

МАҚТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ПЕДАГОГНИНГ
КОМПЕТЕНТЛИК СИФАТЛАРИ

*Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти
“Мақтабгача ва музикалий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси*

Қаттаходжаева Шахлохон Боходировна

Жаҳон тажрибаси таълим тизимининг барча бўғинлари учун педагогларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълимнинг барча бўғинларида машғулоти олиб бораётган педагоглар юқори компетентликка эга бўлиши билан бир қаторда замонавий педагогик ва коммуникацион технологияларни тўлиқ ўзлаштирган замонавий билимга эга бўлган ва ўз билимини ёш авлодларга етказиб бера олиш имкониятини ўзига ярата олган бўлиши шарт. Маълумки, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида анъанавий таълим тизими билан бир қаторда масофавий таълим шаклида машғулоти ўтиш зарурияти юзага келди. Айнан шу пайтда замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштира олмаган педагоглар қийинчиликларга дуч келди. Бу педагогик-психологик жихатдан педагогга ноқулайликларни келтириб чиқарди. Шу боис креатив потенциал билиш жараёнига йуналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш қобилияти, шунингдек шахс характерида хос жихатлар бир қолибда фикрламасликда ўзига хосликда ташаббускорликда ноаниқликка тоқат қилишда заковатли бўлишда акс этади.

Компетенция инглизча сўздан олинган бўлиб луғавий маъноси “competence” қобилият маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “ фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қилади.

Тарбиячи касбий компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва ўзини-ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Болаларни ривожланишида тарбиячининг аҳамияти катта. Тарбиячи ўз маҳорати ва иқтидори билан болаларни мустақил ҳаётга қадам қўйишда, ўз билимларини изчил бойитиб бориши, янги ахборотларни



ўзлаштириши, давр талабларини чуқур англаши, янги билимларни излаб топиши, уларни қайта ишлаши ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллаши зарур.

Бундан куришиб турибдики тарбиячи ҳар доим ўз устида ишлаши ва ўзини-ўзи баҳолаши лозим. Ўзини-ўзи баҳолашнинг омиллари мавжуд:

1.Ўзини тушуниш(ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш)

2.Шахс сифатида ўз кадр қимматини англаш(ўзи тўғрисидаги ижобий маълумотларни тўплаш).

3.Ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши).

Ўзини-ўзи баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини-ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлашда индивидуал ривожланиш дастури ёрдам беради.

Индивидуал ривожлантириш дастури(ИДР)- ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БҚМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий –амалий характердаги дастур.Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган БҚМ ҳамда касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланади.Ҳар қандай мутахассискаби педагог ҳам ўзи учун шахсий-амалий характерга эга “Индивидуал ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йулга қўйиши зарур. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури-мутахассис сифатида педагогнинг индивидуал равишда ўзини у ёки бу касбий педагогик сифат, билим, кўникма, малакалар, касбий компетентлик сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиққан шахсий-амалий характердаги дастур булиб унинг таркибида педагогик, психологик, мутахассислик билимлар ҳамда дидактик малакалар каби элементлар мужассам бўлиши лозим. Кўпинча мактабгача таълим ташкилотига янги келган болаларда тортинчоқлик, инжиқлик, гуруҳ ҳаётига мослашмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, болаларни жамоа ҳаётига мослаштириш, уларни мулоқот вазиятларига олиб кириш, руҳий осойишалиklarини



таъминлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Болалар характеридаги салбий жиҳатларни бартараф қилишга кўмаклашиш, уларни тўғрилик ва ҳақгўйликка ўргатиш, иродасини мустаҳкамлаш педагог-тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидандир. Бунда тарбиячилар жамоавий таъсир кўрсатиш методидан фойдаланишлари керак. Тарбиячилар болаларни теварак-атрофдаги воқелик билан таништириш, уларни шу жараёнда иштирок этишлари учун тайёрлаши керак. Болалар олдига аниқ, ўртача мураккабликдаги вазифалар қўйилгандагина, уларда ташаббускорлик, қизиқувчанлик, фаоллик кўрсатиш истаги намоён бўлади. Натижада болада масъулият ҳисси пайдо бўлади, тарбиячи томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилади. Болаларнинг ўз олдиларига қўйилган топшириқларни бажара олишлари уларнинг хулқ-атворлари тартибга солинишига кўмаклашади. Бунинг натижасида уларда характер, иродавий хислатлар мустаҳкамланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Саидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент. Олий педагогика институти, 2003.
2. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. Низомий номидаги ТДПУ, Тошкент. 2005.
3. С.Турғунов. Ўқитувчиларнинг касбий маҳорат ва компетентлигини ривожлантириш Т:, 2012.
4. mdo.uz.
5. mdomoi.uz.
6. Макарова.А.К. Психология профессионализма. –М:,Знание 1996.

